



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING
Q A R O R I

Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

2021 -yil "24" mart

Қ-182 -son

Termiz sh.

Термиз тумани "Сурхон Намуна" массиви "Мустақиллик" маҳалласи ҳудудидан "Соат Сурхон" кўп тармоқли хусусий корхонасига "Молхона биноси" ва "Иссиқхона" қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5,87-моддаларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2019 йил 20 мартдаги ПҚ-4246-сон қарорига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида" 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармониغا асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини қўриб чиқувчи комиссиянинг 2021 йил 24 февралдаги 05-02/169-сон йиғилиш баёни, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармасининг 2021 йил 13 январдаги 04-сон хулосаси, Термиз тумани ҳокимининг 2020 йил 17 ноябрдаги 01-08/389-сон хатини инобатга олиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Термиз тумани "Сурхон Намуна" массиви "Мустақиллик" маҳалласи ҳудудидан "Соат Сурхон" кўп тармоқли хусусий корхонасига туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг бқ-дала контуридаги жами 1,0 гектар яйлов ер майдони, шундан 0,5 гектари чорвачиликни ривожлантириш мақсадида "Молхона биноси" қуриш учун доимий фойдалананиш ҳуқуқи билан ва 0,5 гектари "Иссиқхона" қуриш учун вақтинча (10 йил муддатга) фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

2. "Соат Сурхон" кўп тармоқли хусусий корхона 0,5 гектари чорвачиликни ривожлантириш мақсадида "Молхона биноси" қуриш учун қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш мақсадида 7 629 230 (етти миллион олти юз йигирма тўққиз минг икки юз ўттиз) сўм давлат тўлов қоплама

қийматини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги Тошкент ХККМ Марказий банкининг х/р: 23402000300100001010 СТИР: 201122919 код: 00014 бюджет ҳисоб рақами 4014108609224013450717186)га беш кун муддатда тўлаб берилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (М.Абдурахманов)га ажратиб берилган ер майдонидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини доимий назорат қилиб бориш ҳамда ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритиш юклатилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр палатаси Сурхондарё вилоят бошқармаси (С.Шаймарданов) ер участкаси чегараларини жойида (натурада) белгилашни амалга оширсин ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

5. Вилоят қурилиш бош бошқармаси (К.Эшматов) қонунчиликда белгиланган тартибда қурилиш ишларини лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқлигини мониторинг қилиб борсин.

6. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари У.Турапов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов